

Саудиядаги халқаро Қуръон мусобақасида ҳамюртларимиз иштирок этмоқда



09:49 / 13.08.2025 1110

Саудия Арабистони Подшоҳлиги Ислом ишлари, даъват ва иршод вазирлиги томонидан 45-халқаро Қуръон мусобақаси ўтказилмоқда.

Мазкур мусобақада Ўзбекистон номидан Шукурбек қори Шухратбеков ва Достонбек қори Содиқов қатнашмоқда.

Маълумот ўрнида Шукурбек Шухратбеков “Кўкалдош” ўрта махсус ислом таълим муассасасининг 3-курс, Достонбек Содиқов “Саййид Муҳийиддин маҳдум” ўрта махсус ислом билим юртининг 1-курс талабаси саналади.

Аллоҳ таоло икки ҳамюрт қоримизни юзларини ёруғ қилиб, муваффақият ва зафар ато этсин!